

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН ҲУКМ

2024 йил август ойининг 26 куни, жиноят ишлари бўйича Мирзо Улуғбек туман суди ўз биносида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи судья Б.Б.Бердиев, халқ маслаҳатчилари: С.Акилханов ва З.Нурматовадан иборат таркибда, судья ёрдамчиси А.Шодмоновнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Мирзо Улуғбек туман прокурорининг катта ёрдамчиси Ф.Юнусов, судланувчи У.Асилбеков ва унинг ҳимоячиси адвокат Х.Абдуллаевнинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 25,273-моддаси 5-қисми билан айбланган

Асилбеков Умид Махмуд ўғли - 1996 йил 15 февраль куни Тошкент шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти тугалланмаган ўрта-маҳсус, буйдоқ, муқаддам судланган, жиноят ишлари бўйича Учтепа туман судининг 2022 йил 26 май кунги ҳукми билан, ЖКнинг 276-моддаси 2-қисми “а” банди билан 4 йил муддатга озодликни чеклаш жазоси, ЖКнинг 62-моддасига асосан 3 йил 7 ой 19 кун озодликни чеклаш жазоси қолдирилган, ҳозирда 1 йил 11 ой 19 кун ўталмаган жазоси мавжуд, Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Бешкапа МФЙ., Лочин-1 берк кўчаси, 13-уйда яшовчи, 07.06.2024 йилдан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2024 йил 5 август куни олганга нисбатан №1-1001-2402/474-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб,

Суд ҳайъати, судланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, тўпланган далилларни текшириб ва муҳокама қилиб, жиноят ишидаги ҳужжатларни таҳлил қилиб, тарафларнинг музокаралари, судланувчининг ҳимоя нутқи ва охириги сўзини эшитиб, қуйидагиларни

АНИҚЛАДИ:

2024 йил 14 май куни соат 18:00 ларда, Мирзо Улуғбек тумани бўйича ИИО ФМБ ЖТСБ ППХ ходимлари томонидан гиёҳвандлик моддаларини ноқонуний муомаласи билан шуғулланувчи шахсларни ушлашга қаратилган тадбир давомида, Мирзо Улуғбек тумани, ТТЗ-4 даҳаси, Азамат МФЙ худудида жойлашган Д.И.Менделеев номидаги кимё-технологиялар университети биносининг орқа томонидан ҳаракатланиб кетаётган фуқаро ўзида шубҳа уйғотганлиги сабабли ИИО ходимлари томонидан шахсига аниқлик киритиш мақсадида, Мирзо Улуғбек тумани ИИО ФМБ маъмурий биносига олиб келиниб, фуқаронинг шахсига аниқлик киритилганда, Асилбеков Умид Махмуд ўғли эканлиги аниқланиб, ушбу фуқародан ИИБ ходимлари ёнида қонунга хилоф равишда сақлаб келаётган нарса буюмлари бор ёки йўқлиги сўралганда, Асилбеков Умид Махмуд ўғли ёнида ҳеч нарса йўқлигини айтганидан сўнг, ИИБ ходимлари томонидан у холислар иштирокида шахсий тинтув қилинган вақтда, унинг шимининг чап йўнтагидан бир дона кўк изолентага ўралган, телеграмм ижтимоий



тармоғининг “Кўк чой” номли каналидан жами 380.000 сўм миқдоридаги пул маблағига номаълум шахсдан кейинчалик бошқа шахсларга ўтказиш мақсадида сақлаб келаётган сариқ рангли кукунсимон модда борлиги аниқланиб, холислар иштирокида олиб қуйилган.

Ўзбекистон Республикаси Электрон технологияларни ривожлантириш марказининг 03.06.2024 йилдаги №554/24–сонли хулосасига кўра, фуқаро У.М.Асилбековдан олинган, 1 (бир) дона шаффоф полиэтилен пакетча ичидаги вазни 0.285 грамм бўлган сарғиш рангли кукунсимон модда таркибида (алфа–PVP) алфа–пирролидиновалерофенон моддаси мавжудлиги аниқланди.

Суд мажлисида судланувчи **Асилбеков Умид Махмуд ўғли** - айбига қисман иқрорлик билдириб, 2020 йил ёз ойининг бошларида ўзига тегишли бўлган телефон аппарати орқали телеграм ижтимоий тармоғига кириб у ерда мавжуд бўлган “Детпул” телеграм бот канали орқали гиёхвандлик моддасини истемол қилиш учун буюртма берганлиги, буюртма қилган гиёхвандлик моддаси учун белгиланган тартибда телеграм бот канал аъзосининг электрон хамёнига пул маблағи ўтказиб берганлиги ва белгиланган жойдан олганлиги, мазкур гиёхвандлик моддасини биринчи маротаба истемол қилганида унга жудда ёқиб қолганлиги, сўнг у хар ойда 3 ёки 4 маротаба гиёхвандлик моддасини телеграм бот канали орқали харид қилиб истемол қилишни бошлаганлиги, 2024 йил 14 май куни соат 18:00 ларда гиёхвандлик моддасини истемол қилиш учун ўзига тегишли бўлган телефон аппарати орқали телеграм ижтимоий тармоғига орқали у ерда мавжуд бўлган “КО’К СНОУ” телеграм бот каналига кирганлиги ва у ердан 0.3 грамм оғирликдаги “алфа–PVP” гиёхвандлик моддасини харид қилиш учун буюртма берганлиги, сўнг гуруҳ аъзоси унга гиёхвандлик моддасини харид қилиши учун 380.000 сўм миқдоридаги пул маблағи тўлов қилиши кераклигини айтиб ўтганлиги, сўнг шу захоти “КО’К СНОУ” телеграм бот каналига электрон хамёнига 380.000 сўм миқдоридаги пул маблағларини ўтказиб берганлиги ва қабул қилиб олиш учун Мирзо Улуғбек тумани ТТЗ–4 дахасида жойлашган Д.И.Менделеев номидаги университетга бораётган вақтида, йўлда ўз эхтиётсизлиги натижасида “Редми 10” русумли телефон аппаратини синдириб қўйганлиги ва жahl устида шу ернинг ўзида телефон апартини икки бўлакга ажратиб синдириб ташлаганлиги ва улоқтириб юборганлиги, телефон аппарати синишидан олдин у гиёхвандлик моддасини аввал олган жойига қўйиб кетишганлигини кўриб олганлиги ва шу тариқа манзилга бориб кўк изолентага ўралган арчанинг пастида бўлган гиёхвандлик моддасини олганлиги ва уни истемол қилиш учун қайтиб кетаётган вақтида йўлда уни ИИБ ходимлари хизмат автомашинасида келиб кеч бўлганда нима қилиб юрганлиги ҳақида сўраб, Мирзо Улуғбек тумани ИИО ФМБнинг маъмурий биносига олиб келиб шахсий тинтув қилиб, устида бўлган шимининг чап чўнтагидан кўк ранги изолентага гиёхвандлик моддасини олишганлиги, эълон қилинган айбловдан фақатгина ўзини истеъмоли учун сақлаб келганлик ҳолатига иқрорлиги, сотиш ёки ўтказиш



нияти бўлмаганлиги, унга нисбатан адолатли ва қонуний қарор қабул қилиниши сўраб кўрсатма берди.

Суд мажлисида гувоҳ тариқасида сўроқ қилинган **Маманов Комил Баходирович** ҳақиқатдан ҳам - 2024 йил 14 май куни соат 19:00 ларда Мирзо Улуғбек тумани ТТЗ-4 даҳасида жойлашган “Локомотив” стадионида бўлиб ўтадиган футбол тадбирига хизматга жалб қилинганлиги, хизматдаги шериги Азамат МФЙ ҳудудидаги Д.И.Менделеев номидаги университетнинг орқа томонини текшириш учун бораётган вақтида, Д.И.Менделеев номидаги университетнинг орқа томонидан бир нафар эркак киши ўзини шубхали тутиб келатганлигини кўрганлиги ва шу захоти ушбу шахсни тўхтатиб хизмат гувоҳномасини кўрсатиб ўзини таништирганлиги, шундан сўнг ушбу фуқародан шахсини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим қилишини айтиб сўраган вақтида, ушбу фуқаро унга шахсини тасдиқловчи ҳужжатлари йўқ эканлигини айтиб ноўрин хатти ҳаракатлари билан ИИО ходимининг қонуний талабларини бажармаганлиги, сўнг у ушбу фуқаронинг шахсига аниқлик киритиш мақсадида Мирзо Улуғбек тумани ИИО ФМБ маъмурий биносининг 503-хонасига олиб келиб шахсига аниқлик киритилганида Асилбеков Умид Махмуд ўғли эканлиги аниқланганлиги, икки нафар холислар иштирокида видеокузатув камера ёрдамида шахсий тинтув қилганида, У.М.Асилбековнинг эғнида бўлган сариқ рангли шимининг унг ён томон чўнтагида кўк рангли изолента бўлаги борлиги аниқланиб, ушбу изолента бўлаги очиб кўрилганида оқ рангли полиетилен пакетга солинган сариқ рангли кукунсимон модда борлиги аниқланганлиги, шундан сўнг ушбу модда нима эканлиги, уни қаердан олганлиги У.М.Асилбековдан айтиб сўраган вақтида, У.М.Асилбеков мазкур модда гиёҳвандлик моддаси эканлиги, уни телеграм ижтимоий тармоғидаги гиёҳвандлик моддалари сотиладиган телеграм бот каналдан истемол қилиш учун харид қилиб олганлигини айтиб ўтганлиги, У.М.Асилбековдан олинган сариқ рангли кукунсимон модда текшириб кўришлик учун холислар иштирокида ашёвий далил тариқасида оқ рангли бўш канвертга солиб муҳрланганлиги ҳақида кўрсатма берди.

Суд мажлисида гувоҳ тариқасида сўроқ қилинган **Ботиров Мансур Назар ўғли** – ҳақиқатда ҳам у 2024 йил 14 май куни ўз ишлари билан Мирзо Улуғбек тумани БИЙ кўчасидан ҳаракатланиб кетаётган вақтида унинг ёнига, ИИБ ходими келиб хизмат гувоҳномасини кўрсатганлиги, сўнг унга бир ишда холис тариқасида иштирок этиб беришини айтиб таклиф берганида, ИИБ ходимининг таклифига рози бўлганлиги, шундан сўнг, ИИБ ходимлари ва унга олдиндан таниш бўлмаган бир нечта фуқаролар билан Мирзо Улуғбек тумани, ТТЗ-4 даҳаси Азамат МФЙ ҳудудида жойлашган 54-уй олдида боришганлиги ва у ерда унга олдиндан таниш бўлмаган шахслардан бири ўзини Асилбеков Умид Махмуд ўғли деб таништирганлигини ва ИИБ ходимлари У.М.Асилбековнинг ёнидан қонун билан тақиқланган модда аниқланганлиги, ушбу моддани қаердан олганлигини кўрсатиб беришини айтиб сўрашганида, У.М.Асилбеков ўз соҳиши билан ушбу модда гиёҳвандлик моддаси эканлигини айтиб мазкур



гиёхвандлик моддасини олган жойини кўрсатганлиги ҳақида кўрсатма берди.

Суд мажлисида видео конференц алоқа режими орқали сўроқ қилинган **қўшимча гувоҳ Н.Дадабаева** – ҳақиқатдан ҳам нарколог мутахассис бўлиб ишлашини, судланувчи У.Асилбековга нисбатан хулоса қилишда ҳолатни тўлиқ ўрганиб чиққанлиги, далилий ашё сифатида олинган гиёхвандлик воситасини У.Асилбеков бир маротабада истеъмол қилишга қодир эканлиги, чунки У.Асилбеков 2020 йилдан буён мунтазам равишда наркотик моддаларни истеъмол қилиб келаётганлиги ва йиллар давомида истеъмоли миқдоирини ошириб келаётганлиги, судланувчи У.Асилбеков айнан (алфа-РVP) алфа-пирролидиновалерофенон моддасини истеъмолидан касаликка дучор бўлганлиги ва даволанишга муҳтож эканлиги, ҳаттоки бир кунда 2 граммдан иборат бўлган гиёхвандлик воситасини икки маҳал истеъмол қилиш даражасига ҳам борлиги, лекин бу билан “передоз” бўлмаслиги, чунки бу турдаги гиёхвандлик воситасини ёқиш йўли билан ҳидлаш орқали истеъмол қилиб келганлиги ҳақида кўрсатма берди.

Суд ҳайъати, давлат айбловчисининг хулосасини, адвокатларнинг мулоҳазаларини судланувчи У.Асилбеков ҳамда гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, унинг жиноят содир этганликдаги айби унинг суддаги берган кўрсатувларидан ташқари, У.Асилбековга нисбатан тўпланган терговга қадар текширув ҳужжатлари билан, нарсани олиб қўйиш, кўздан кечириш баённомаси, ашёвий далил деб эътироф этиш қарори билан, Ўзбекистон Республикаси Электрон технологияларни ривожлантириш марказининг 31.05.2024 йилдаги №554/24-сонли хулосаси билан, нарсаларни ашёвий далил деб эътироф этиш қарори, айбланувчини кўрсатмаларини воқеа жойида текшириш баённомаси ҳамда жиноят ишида мавжуд бўлган Ўзбекистон Республикаси ЖПК 95-моддаси тартибида текширилган ва баҳоланган бошқа объектив далиллар йиғиндиси билан тасдиқланади.

Суд мажлисида судланувчи У.Асилбеков эълон қилинган айбловга қисман иқрорлик билдириб, гиёхвандлик воситасини сотиш ниятида ёки кейинчалик ўтказиш мақсадида бўлмаганлиги, фақатгина ўзини истеъмоли учун ёнида сақлаб келаётганлиги ҳақидаги важларини тинглаб, адвокатнинг бу ҳақидаги келтирган мулоҳазаларини эшитиб, қўйидагича баҳолайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 28 апрель кунидаги “Гиёхвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 12-сонли қарорининг 6-бандида Гиёхвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда сақлаш деганда, шахснинг бундай восита ва моддаларга қонунга зид равишда эгалик қилиши (шу жумладан шахсан истеъмоли) билан боғлиқ қасддан содир этилган ҳаракатлари (ёнида, бинода, махфий ер ва бошқа жойларда сақлаши) тушунилиши лозим. Бунда шахс қанча вақт давомида гиёхвандлик воситалари, уларнинг аналоглари,



психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда сақлаганлиги аҳамият касб этмайди деб,

шунингдек мазкур Пленум қарорининг 27-бандида Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, шахснинг ЖК 270-моддаси иккинчи қисми “а” банди, ЖК 271-моддаси иккинчи қисми “а” банди, ЖК 273-моддаси учинчи қисми “а” банди, ЖК 274-моддаси иккинчи қисми “а” банди, ЖК 276-моддаси иккинчи қисми “б” банди билан жиноий жавобгарлиги, у муқаддам ЖК XIX бобида назарда тутилган бирон-бир содир этган жинояти учун судланган ҳолдагина келиб чиқади. Агар шахс муқаддам содир этган жинояти учун жиноий жавобгарликдан озод этилган ёки судланганлик ҳолати тугалланган ёинки қонунда белгиланган тартибда олиб ташланган бўлса, қилмиш мазкур белги билан квалификация қилиниши мумкин эмас.

Бундан ташқари, мазкур Пленум қарорининг 25-бандида, Айбдорда гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда ўтказишга (ЖК 273-моддаси биринчи, иккинчи, учинчи, бешинчи қисмлари) қасд мавжудлиги тўғрисидаги масалани ҳал этишда, судлар бундай восита ёки моддалар ҳақиқатдан ўтказиш мақсадида тайёрлаб қўйилганлигига оид далиллар мажмуидан келиб чиқишлари лозим. Бундай далилларга, масалан, гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар фақат истеъмол қилинишини истисно этадиган миқдорда топилганлиги, бундай восита ёки моддалар муайян дозада (ўлчамда) қадоқланганлиги, улар ташиш ёки жўнатишда махсус махфий жойга яширилганлиги, уларни тайёрлаш учун асбоб-ускуналар мавжудлиги, экспертизанинг айбдор гиёҳванд эмаслиги тўғрисидаги хулосаси ва ҳ.к.лар киради. Иш бўйича аниқланган ҳақиқий ҳолатлардан келиб чиқиб, айбдорнинг ҳаракатлари ЖК 25-моддасининг биринчи ёки иккинчи қисми ва ЖК 273-моддасининг тегишли қисми билан квалификация қилиниши керак.

Хулоса ўрнида, судланувчи У.Асилбеков муқаддам айни шу турдаги жинояти учун судланган ва жазо ўташ давомида қасддан гиёҳвандлик воситасини ўз истеъмоли учун сотиб олиб, ўтказиш мақсадини кўзламай ўзида сақлаш билан боғлиқ жиноятни содир этиши, унинг ёнида чиққан гиёҳвандлик воситаси кўп миқдорни ташкил этса-да, бироқ ўзининг истеъмолидан ортиқ эмаслиги, У.Асилбековни ўтказишга қасди бўлмаганлиги, шунингдек касаллика дучор бўлганлиги, эксперт муҳатассис кўрсатмасига кўра бу улчамдаги гиёҳвандлик воситасини бир маротаба истеъмол қилишга қодир эканлиги, воқеа куни У.Асилбековнинг ёнидан чиққан гиёҳвандлик воситаси истеъмолидан ортиқ эмаслиги, шунингдек унга нисбатан ИИО ФМБ вакилларида тезкор маълумот мавжуд эмаслиги, ҳамда тергов ва суд мажлисида сўроқ қилинган гувоҳларнинг кўрсатмаси билан ўз тасдиғини топди.

Дастлабки тергов органи томонидан У.Асилбековнинг жиноий ҳаракати Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 25,273-моддаси 5-қисми билан, қасддан илгари гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан **иборат жиноятни содир этган**



шахс томонидан кўп миқдордаги гиёҳвандлик воситаларини қонунга хилоф равишда сотишга суиқасд қилишда ифодаланган жиноят аломатлари билан нотўғри квалификация қилинган.

Юқорида келтирилган қонун талаби, Пленум қарори раҳбарий тушунтиришлари, аниқланган далилларга кўра, суд ҳайъати У.Асилбековнинг жиноий ҳаракатини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 25,273-моддаси 5-қисмидан 276-моддаси 2-қисми “а, б” бандларига, яъни илгари гиёҳвандлик воситалари билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятни содир этган шахс томонидан, кўп миқдордаги гиёҳвандлик воситаларини ва уларнинг аналогларини ўтказиш мақсадини кўзламай, қонунга хилоф равишда сақлашда ифодаланган жиноят аломатларига қайта малакалашни лозим деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февраль кундаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 01-сонли қарорининг 3-бандида “Жиноят Кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши-ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак”лиги ва 37-бандида “Жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи алоҳида ҳолатлар рўйхати қонунда кўрсатилмаганлигини назарда тутиб, суд қабул қилган қарорини ҳукмда асослантирган ҳолда жазони енгиллаштирувчи айрим ҳолатни ҳам, уларнинг мажмуини ҳам бундай ҳолат сифатида тан олиши мумкин (масалан, моддий зарарнинг тўлиқ қопланганлиги, судланувчи ёки ота-онасининг оғир касаллиги, уларнинг меҳнатга лаёқатсизлиги, айбдор ота-онасининг ёки боласининг бошқа боқувчиси йўқлиги, судланувчининг кекса ёшда эканлиги, унинг бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган жиноятни очишда фаол иштирок этганлиги, жабрланувчининг жиноят содир этилишига туртки берган ҳуқуққа хилоф хулқ-атвори, жабрланувчининг судланувчи билан ярашганлиги ва ҳ.к.)”лиги белгиланган.

Суд ҳайъати, судланувчи У.Асилбековга нисбатан жазо тайинлашда жиноятни қасддан ғараз ва паст ниятларда содир этганлигини, илгари ҳам қасддан жиноят содир этган шахснинг такроран янги жиноят содир этганлиги жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб баҳолаб, айбига иқrorлиги жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб баҳолаб, унга нисбатан айбланган модда санкциясида назарда тутилган озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлашни ҳамда ЖКнинг 60 ва 61-моддаларига асосан жиноят ишлари бўйича Учтепа туман судининг 2022 йил 26 май кунги ҳукми билан тайинланган жазони ўталмаган қисмини қисман қўшиш йўли билан озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлашни лозим деб топади.

Суд ҳайъати, Тошкент шаҳар наркология марказининг 21.06.2024 йилдаги №143-сонли далолатномасига асосан У.Асилбеков гиёҳвандликдан даволанишга муҳтож эмаслигини инобатга олган ҳолда, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 96-моддаси тартибда гиёҳвандликдан



мажбурий тарзда даволаш чоралари қўллашликни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

Суд ҳайъати, далилий ашёлар тақдирини муҳокама қилиб, 2024 йил 8 июль куни 07883 сонли патта асосида ДХХга топширилган 0,207 грамм (алфа-PVP) алфа-пирролидиновалерофенон моддасини йўқ қилишни белгилашни лозим деб ҳисоблайди.

Шунингдек, 1 дона ДВД дискни жиноят иш ҳужжатларида сақлашни белгилашни лозим деб ҳисоблайди.

Юқоридагиларга асосан, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 462-463, 465-468, 471-473 моддаларига мувофиқ, суд

Ҳ У К М Қ И Л А Д И:

Асилбеков Умид Махмуд ўғли Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 2-қисми “а,б” бандлари билан айбдор деб топилсин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 2-қисми “а,б” бандлари билан унга нисбатан 4 йил (тўрт йил) муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 60 ва 61-моддаларига асосан жиноят ишлари бўйича Учтепа туман судининг 2022 йил 26 май кунги ҳукми билан тайинланган жазони ўталмаган қисмини қисман қўшиш йўли билан узил-кесил ўташ учун унга нисбатан 4 йил 6 ой (тўрт йил олти ой) муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Жазо манзил тартибли колонияларда ўтатирилсин.

Жазо муддати 2024 йил 7 июнь кунидан бошлаб ҳисоблансин.

У.Асилбековга нисбатан қўлланилган қамоқ эҳтиёт чораси аслича қолдирилсин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 96-моддасига асосан У.Асилбековга озодликдан маҳрум этиш муассасасида гиёҳвандликдан мажбурий тартибда даволаниш чоралари қўлланилсин.

Ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг, ашёвий далил сифатида олиниб, 2024 йил 8 июль куни 07883 сонли патта асосида ДХХга топширилган 0,207 грамм (алфа-PVP) алфа-пирролидиновалерофенон моддасини йўқ қилинсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчилар ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб, ўн сутка ичида Тошкент шаҳар суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг апелляция инстанциясига шикоят бериши ёки протест билдиришга ҳамда ЖПКнинг 498-моддаси тартибида кассация шикоят бериши ёки протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи

/имзо/

Б.Б.Бердиев

Халқ маслаҳатчилари:

/имзо/

С.Акилхонов

/имзо/

З.Нурматова

ҳукм нусхаси аслига тўғри:

